



38

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Каттақо'рғ'он шаҳри, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

2018 у.г. «23» май

№ 905-1/

Каттақо'рғ'он ш. – г. Каттакурган

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 16-майдаги 319-Қ сонли
“Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти бўйича ахборотни тўплаш ва
уни эълон қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарори ҳақида

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 16-майдаги 319-Қ сонли
“Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти бўйича ахборотни тўплаш ва уни
эълон қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига
асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилояти ҳокимининг 2018 йил 16-майдаги 319-Қ сонли
“Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти бўйича ахборотни тўплаш ва уни
эълон қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Самарқанд вилояти ҳокимининг мазкур қарори билан:

Куйидагилар:

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим
этиш учун масъул бўлган мансабдар шахслар ва улар билан алоқа боғлаш
маълумотлари 1-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида уларнинг
расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборот рўйхати 2-иловага
мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлигининг фаолияти тўғрисидаги
фойдаланилиши конун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ахборотга
тааллуқли маълумотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисида эълон қилиниши
(чоп этилиши) лозим бўлган ахборот материаллари рўйхати 4-иловага
мувофиқ;

“Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Самарқанд вилояти ҳокимлиги очик мажлисларида иштирок этиш тартиби тўғрисида”ги Низом 5-иловага мувофиқ;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 6-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги,

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида “Очик маълумотлар портали”даги “Самарқанд вилояти ҳокимлиги” рўқни остидаги ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.Samarkand.uzдаги маълумотлар базаларини тўлдириш ва мунтазам равишда янгилаб боришда лозим бўлган ахборот ва маълумотларни тақдим этишга масъул бўлганлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги,

Маълумотлар базасини шакллантиришга масъул этиб бириктирилган ташкилотлар раҳбарларига:

иловада келтирилган рўйхат бўйича маълумотларни белгиланган муддатларда вилоят ҳокимлиги ахборот хизматига тақдим этиб бориши;

Ахборот хизмати маълумотларни таҳлил ва таҳрир қилиб, Очик маълумотлар портали ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштириш чорасини кўриши,

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУК вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати томонидан тақдим этилган маълумотларни Порталга мунтазам равишда жойлаштириб бориш бўйича амалий ёрдам кўрсатиши,

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотлар базасининг юритилиши натижаси бўйича ҳар чорак якуни ҳақида кейинги ойнинг 10 санасига қадар вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб бориши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Ибрагимовга юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



М.Ҳашимов